

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 198 (10.251)

2004 ЙИЛ 13 ОКТЯБРЬ



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСТАРА

● **БУГУН** «Denta Lyuks» масъулияти чекланган жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Диний ақда» парастлик ва терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари» деб номланди.

● **КЕЧА** Республика СПИД марказида «Замон сенга боқма, сен замонга боқ» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Бектемир» маҳалласида Меҳр ва мурувват йили муно-

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

сабати билан «Меҳр билан яралган» мавзусида ўтказилган тадбир ҳамда концерт дастури туман Марказий кутубхонаси ташаббуси билан уюштирилди.

● **ЎТГАН КУНИ** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир сиёсий партияларнинг жамиятда тутган ўрнига бағишланди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги «Шофайз» маҳалласида «Ислоҳ динида аёл ва оиланинг ўрни» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими вакиллари ҳамда Тошкент ислом университетининг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

«Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти чеварлари тайёрлаётган сифатли маҳсулотлар нафақат ички бозорда ўз ўрнига эга, балки хорижликларни ҳам мафтун этмоқда.

СУРАТДА: чевар Нигора Исмоилованинг бу борада муносиб ҳиссаси бор.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



XVI сарфоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

● **Ўзбекистон Республикаси Президентини Исмоил Каримов Кашқадарь воҳасининг миришкор дехқонларини, уста пахтакорларини, барча вилоят ахлини 410 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, юксак меҳнат зафарини кўлга киритганлиги билан самимий кутлади.**

● **Кеча Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.** Унда мазкур комиссия аъзоларидан иборат ишчи гуруҳининг Оила кодекси 17-моддаси қоидаларининг Сурхондарь вилоятидаги ижросини ўрганиш яқуни кўриб чиқилди.

● **Кўкондаги «Электромаш» масъулияти чекланган жамияти «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун керакли бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш турларини кўпайтириб, уларни 17 тага етказди.**

● **«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Жиззахдаги вилоят кардиология диспансери ва унинг ҳудудий бўлимларига мурувват ёрдами топширилди.**

● **Норинлик фермер Зокиржон Мусаев Учтепа кишлоғидаги қишлоқ шифобахш сувини кадоқлаш цехи очди.** Тадбиркор шифобахш сувларни хорижга ҳам экспорт қилишни мўлжалламакда.

● **Мамлакатимизда энг йирик пахта етиштирувчи туманлардан бири — Касби тумани дехқонлари давлатга 62800 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб бериб йиллик шартнома режасини ортғи билан уддалади.**

Жаҳонда

● **Афғонистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди.** Дастлабки маълумотларга кўра амалдаги муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай, генерал Абдурашид Дўстум, собиқ халқ таълими вазири Юнус Қонуний кўпроқ овоз олишган.

● **Ливия маъмурлари «Ал-Қоида»га алоқадорликда гумон қилинган 17 кишини ҳибсга олдилар.**

● **Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳри атрофидаги ҳудудларда уч кун тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида кучли сув тошқини рўй берди.** Дастлабки маълумотларга кўра 94 киши ҳаётдан қўз юмди, 100 мингдан ортқ киши бошпанасиз қолди.

● **Нигерияда ёнилғи нархининг 25 фоизга оширилишига қарши тўрт кунлик умуммиллат нозулик намойиши бўлиб ўтмоқда.**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7- моддасига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳрида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича 60 та сайлов округларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Округларнинг рўйхати уларнинг номи, жойлашиши, чегаралари ҳамда сайловчилар сонини кўрсатишга ҳоҳда маҳаллий матбуотда чоп этилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда юқоридаги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ сайловга камида 70 кун қолганида раис, раис ўринбосари, котиб ва 6-8 нафар бошқа аъзолдан иборат 60 та сайлов округлари бўйича округ сайлов комиссиялари тузилиши лозим. Йиғилишда округ сайлов комиссиялари аъзоллигига кўрсатилган номзодлар кўриб чиқилди.

Хар бир округ бўйича комиссия таркиби максимал равишда — раис, раис ўринбосари, комиссия котибини ҳисобга олган ҳолда 11 кишидан иборат ҳолда ташкил этилди.

Номзодларнинг таржимаи ҳолини кўриб чиқиш жараёнида таъкидлаб ўтилдики, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига асосан сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиб ва бошқа аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши ёки сайлов органларига ўз номзодларини депутатликка тақдим этиши мумкин эмас.

Шуни инобатга олган ҳолда, агарда округ сайлов комиссиясининг аъзоларидан биронтаси сиёсий партия вакили бўлса, сайлов кампанияси даврига қадар вақтинча партия сафларидан

дан чиқиб ҳақида ариза ёзиши лозим. Йиғилишда округ сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди, хусусан, ушбу жараёнда туман ҳокимликлари томонидан бевосита ёрдам кўрсатилиши, комиссиялар барқарор фаолият юритиши учун вақтида тегишли анжумлар билан таъминланишига ургу берилди, таъкидландики, жойларда округ комиссияларининг иши

белгиланган тартибда рўйхатга олинган тақдирдагина кўрсатилиши мумкин.

Шаҳар сайлов комиссиясига мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси, «Фидокорлар» Миллий демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан сайловда иштирок этиш юзасидан ҳужжатлар тақдим этилди.

Шаҳар сайлов комиссияси партияларнинг тегишли ҳужжатларини кўриб чиқиб, уларнинг сайловда иштирок этиши, яъни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ўз номзодларини депутатликка кўрсатишига ижозат берилганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича ўзини ўзи бошқариш органларидан қатнашадиган вакиллар меъёри тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Жумладан, депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича ўзини ўзи бошқариш органларидан тегишли йиғин ҳудудда истиқомат қиладиган 500 сайловчидан битта вакил иштирок этиши мумкин.

Шаҳар сайлов комиссиясида комиссиянинг жорий ойма иш режаси тасдиқланди, бир қатор бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Эслашиб ўтамыз, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси Мовароуннаҳр кўчаси, 14-уйда жойлашган. Комиссиянинг телефон рақамлари 133-70-56, 136-08-26, 136-09-49. Иълмира ЗАЙНУТДИНОВА

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонуничи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

**ШАҲАР
САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНING
ЙИГИЛИШИ**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

қанчалик самарали олиб борилса, сайловларнинг яқулий натижаси ҳам қўтилангандек бўлади. Шаҳар сайлов комиссияси сайлов жараёнининг асосий субъектлари — сиёсий партияларнинг аризаларини кўриб чиқди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига бинан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бевосита фуқаролар эгадирлар. Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин қонунда



Давоми 2-бепда.

«Тошкент опен — 2004»

ИРОДАНИНГ ДАСТЛАБКИ ЮТУҒИ

Пойтахтимизнинг «Тошкент теннис маркази» спорт мажмуасида теннис бўйича аёллар ўртасидаги аънавий «Тошкент опен» мусобақаси давом этмоқда.

Таъкидлаб ўтиш керакики, АКШ, Франция, Германия каби жаҳоннинг йирик давлатларидан 64 нафар катта ракетка ustalари қатнашаётган ушбу турнирнинг умумий соврин жамғармаси 140 минг АКШ дол-

ларини ташкил этади.

Кеча деярли икки йиллик танаффусдан сўнг яна қорғта чиққан Ирода Тулаганованингни ўйинларини ҳамюртларимиз катта қизиқиш билан томоша қилишди.

«Тошкент оқиш»

— 2004 —

ИРОДАНИНГ
ДАСТЛАБКИ
ЮТУҒИ

Давоми. Боши 1-бетда.

— Мусобақага мураббий-им билан бирга атиги бир ойгина тайёргарлик кўрдим, — дейди журналистларга берган интервьюсида Ирода Тўлаганова. — Турнирда қатнашишдан мақсадим биринчидан у ўз юртимизда ўтказилмоқда, иккинчидан эса дунё рейтингини бўйича бир вақтлар 16-уринда эдим. Жароҳатим туфайли анча дастлаб кетганлигим сабабли нуфузимни қайта тиклаш вақти ҳам келиб қолди. Теннис майдонидоғи франциялик рақибим дунё таснифи бўйича 41-уринда турган Марина Бартоли билан кортда биринчи бора учрашишим. Тўғриси, ўйинни галаба мен томонда бўлади, деган ишонч билан бошлаган эдим. Бироқ ҳисоб 4/4 бўлганида ютқазиб қўйсамчи? — деган хавотирга ҳам тушдим. Ишонганимдек, омад мен томонда экан. Рақибимни 6/4 ва 6/4 ҳисобида ютиб, иккинчи даврага йўлланганимни кўлга киритдим.

Дарҳақиқат, Ироданинг ўйинларини кузатаётган ҳамюртларимиз барибир ютук бизнинг теннисчининг қўлида деган ишонч билан ўтирган бўлсалар ҳам, шу билан бирга ич-иқларидан унга омад тилашарди. Уйин туғанига, Ироданинг дастлабки галаба қозонганиги эълон қилинганча, томошабинларнинг олқишлари узоқ давом этди.

Шунингдек, шу куни кортга чиққан яна бир ҳамюртимиз Окгул Омонмуродованинг ўйини ҳам мурасасиз кечганини айтиб ўтиш ўринлидир. Тўғри, у россиялик теннисчи рақиб Мария Головизинага 5/7, 6/7 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди, аммо, кўриб турганингиздек, рақиб билан деярли тенг ва мурасасиз кураш олиб борди.

Теннис майдонида АКШлик Механ Шагнесс рақиб япониялик Руоко Фудани 6/2, 6/2 ҳисобида, россиялик Евгения Линетская — таиландлик Тамарини Танасугармни 6/4, 4/6, 6/0, россиялик Екатерина Бочкова — хорватиялик Силвижа Талажани 6/1, 6/4 ҳамда испаниялик Арантха Парра Сантанжа — италиялик Мара Сантангелони 6/3, 1/6, 6/4 ҳисобида мағлубиятга уратди.

Яна Ўзбекистоннинг биринчи ракеткачисига қайтадиган бўлсак, бугун Ирода дам олади. Унинг галдаги рақибим ким бўлиши — Антонелла Серра Занетти (Италия) ёки Жуфа Счруфми (Германия), теннисчиларнинг биринчи даврадаги ўзаро баҳси аниқлаб берарди.

Шахло ҲОШИМОВА

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида жиний ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда экстрадиция тўғрисидаги шартномаларнинг ратификация ёриқларини алмашиш тўғрисидаги протоколларни имзолаш маросими бўлди.

Ушбу шартномалар Президент Ислам Каримовнинг 2003 йил 24-26 ноябрь кунлари Болгария Республикасига давлат ташири чоғида имзоланган эди. Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз раҳбарининг мазкур ташири ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белги-

лаб олиш, иқтисодий-ижтимоий ислохотлар бўйича тажриба алмашиш, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларда тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф эттиш борасида муҳим аҳамият касб этди. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ало-

Қўрғазмалар

ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

КЕЧА шаҳримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Қурилиш — Ехро Construction — 2004» биринчи халқаро кўрғазмаси ўз ишини бошлади.

Zag Ехро кўрғазмалар компанияси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси, Республика Савдо-саноат палатаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Мазкур халқаро кўрғазманинг узоқни кўзлаб ташкил этилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жонз, зеро, ҳозирги пайтда республикамизда қурилиш соҳасида хусусий-лаштириш жараёнлари кенг қўламда давом этмоқда. Кўпгина қурилатган объектлар бунёд этилиши жараёнига хусусий компаниялар қўшилмоқда, хорижий сармояни жалб этишга йўл очувчи имкониятлардан тобора унумли фойдаланилмоқда. Республика қурилиш мажмуаси олдида спорт иншоотларини қуриш, ўқув муассасаларини реконструкция қилиш ва бунёд этиш борасидаги катта вазифалар қўйилган. Бундай шароитларда биринчи ўринга сифатли ва нархи ҳам мақбул даражадаги қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш масаласи чиқади.

— Бой хом ашё неги-

зи бизга ушбу йўналишдаги кўпгина муаммоларни ҳал этишга имкон яратди. — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Турсун Маҳсумов. — Ҳозирда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш республика дастурини қайта кўриб чиқиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Агарда бугунги кунда республикамизда 1900га яқин қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, 2010 йилга келиб, уларнинг сонини 2200гага етказиш режалаштирилмоқда. Ушбу корхоналар олдида ҳозирда мамлакатимизга четдан келтирилатган материалларни ўзимизда чиқаришни ўзлаштириш вазифаси туради. Иккинчи масала шундан иборатки, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқишлари керак. Бу йўналишда ишлар олиб боришда, Қурилиш тармоғида 3 мингтадан ортиқ корхоналар хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган. Бугун ўз ишини бошлаган кўрғазма ҳам қурилиш соҳасидаги янгиликлар билан танишиш ва тажриба алмашишга имкон туғ-

диради, ўзаро манфаатли амалий алоқаларнинг ривожланиши учун замин бўлади.

Кўрғазма экспозицияларидан қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи, интерьер, пардозлаш ва дизайнлик ишланмалари, иситиш тизимлари билан шугулланувчи, вентиляциялар, электротехника маҳсулотларини тайёрловчи жаҳондаги 30 дан ортиқ етакчи компанияларнинг маҳсулотлари ўрин олган. Улар орасида «Акватех», «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси, «Афросиёб-Б» масъулияти чекланган жамияти, «Бухоро-Америка» қўшма корхонаси, «Инсоф-Ри» қўшма корхонаси, «Лок Колор Синтез» масъулияти чекланган жамияти, шунингдек қўллаб хорижий корхоналари бор. Ўйлаймизки, мутахассисларда турли хил қурилиш ва пардозлаш материалларини ишлаб чиқариш, саноат ва капитал қурилиши учун замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар катта қизиқиш уйғотди.

Бугун шунингдек, кўрғазма доирасида маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида қурилиш материаллари мавзуси бўйича конференция ҳам бўлиб ўтди.

(Ўз муҳбиримиз)

ОНА ЮРТ БОЛАЛАР
НИҒОҲИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Sanvikt» илмий-тадқиқот бадний маркази ўқувчилари чизган расмлар кўрғазмаси очилди.

1999 йилда ташкил этилган мазкур марказда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда тиббий кўмакка муҳтож болалар тасвирий санъат сирларини ўрганишти. Ҳар бир ўқувчининг иқтидорини юзага чиқариш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш марказнинг асосий фаолият йўналиши саналади.

Марказ ўқувчилари Япония, Россия, Греция, Испания, Мексика, Ҳиндистон, Миср Араб Республикаси каби давлатларда ўтказилган халқаро болалар суратлари кўрик-танлови ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган.

Кўрғазмадан жой олган расмларда кичкинтойларнинг она Ватан, юртимиз табиат манзаралари, дўстлик, тинчлик ҳақидаги тасаввурлари содда ва самимий тарзда акс эттирилган.

ЎЗА

қалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди Болгариянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Стоян Горчивкин журналистларга берган интервьюсида.

— Бугун имзоланган ҳужжатлар эса дўстлик, самимий хурмат ва ўзаро ишонч руҳига асосланган муносабатларимизнинг барқарорлигидан яна бир далилатдир.

Ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Солиқ Сафоев ва Стоян Горчивкин имзо чекди.

ЎЗА

МАРКАЗИЙ
БАНКДА ОЧИҚ
МУЛОҚОТ

Марказий банкда мамлакатимиз Президентининг кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга доир фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларининг ижросига бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Марказий банк ва тижорат банкларининг раҳбар ходимлари, тадбиркорлар иштирок этди.

Кичик бизнесни ривожлантириш — мамлакатимизда амалга оширилатган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида устувор соҳалардан саналади. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунига бағишлаб шу йилнинг 7 февралда ўтказилган йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратгани ҳам бежиз эмас.

Мулоқотда мамлакатимизда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари учун ҳар томонлама қулай инвестицион муҳит яратиб берилгани, тадбиркорлар билан тижорат банклари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилгани таъкидланди.

Очиқ мулоқотда сўз олган тадбиркорлар тижорат банклари томонидан бевосита ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига кредитлар нисбатан паст — йиллик 3 фоиздан 9 фоизгача устамда берилётгани ҳақида тўхталиди. Бундай имтиёзлар тадбиркорлар томонидан реал ишлаб чиқариш соҳасини янада кенгайтиришга, истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилаётган товарлар билан тўлдирришга олиб келаётгани алоҳида қайд этилди.

2003 йилнинг 9 ойида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 199,2 миллиард сўмни ташкил этган эди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида эса бу рақам 269,5 миллиард сўмга тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки матбуот марказидан хабар беришларича, мулоқотда айрим тадбиркорлар томонидан банклардан олаётган кредитларни бошқа мақсадларга ишлатилаётгани, уни вақтида қайтармаслик каби салбий ҳолатлар танқид қилинган.

Мулоқот иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ЎЗА

*Иқтисодиёт***ХАРИДОРНИ
ТОПМОҚДА**

Ойна ва ойна маҳсулотларининг сифатли ва харидор талабига мос турларини яратишда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Надежда» шўъба корхонаси тadbиркорлари ўз имкониятларидан унумли фойдаланишмоқда.

Шу боис бўлса керак ушбу жамоада тайёрланаётган маҳсулот турлари фақатгина ички бозорда ўз ўрнини топибгина қолмай, чет элдан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бугунги кунга келиб ишлаб чиқариш ҳамининг ортиси ҳисобига ишчи-хизматчилар сони 40 нафарни ташкил этаётган ушбу корхонада ойига 2,5-3,5 миллион сўмлик турли халқ истеъмоли буюмлари тайёрланмоқда.

— Тadbиркорларимиз нафақат маҳсулот сифатини ошириш, балки турларини кўпайтиришга ҳам асосий эътиборни қаратишган, — дейди ишбилармон раҳбар Бахтиёр Зокиров. — Маҳсулотларимизга қўшни Козогистон давлатидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Жамоамиз ахли ҳам сифатли ва харидор дидига мос, ҳам бирмунча арзон маҳсулотлар тайёрлаш йўлида изланишмоқда. Кўпинча харидор эҳтиёжидан келиб чиқиб маҳсулот турларини яратамиз.

Хозиргача корхонада тайёрланаётган маҳсулот турлари 50 хилдан ҳам зиёдни ташкил этади. Биргина тошойнанинг 15 хили тайёрланиб, харидорларга тортиқ этилмоқда. Улар кўриниши, бежиримлиги билан ҳар қандай хонадонни безашда асқотади. Шунингдек, плазмасасадан ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш ҳам қизгин давом этмоқда.

**ХОРИЖ
ДАСТГОХЛАРИ
АСОСИДА**

Чехия ва Россиядан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳларидан самарали фойдаланган «НАРЧЕБО» хусусий фирмаси тadbиркорлари республикамизда тайёрланаётган турли маҳсулотларни қадоқлашда кўл келадиган картон қутиларни ишлаб чиқаришмоқда.

Улар, албатта ушбу қадоқлаш ашёсини тайёрлашда маҳсулот турларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан биргаликда маҳсулотнинг ўз харидорини топиши унинг қандай ўралиши ва қадоқланишига боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда замонавийликка, бежирим ва чиройлиликка аҳамият бериледи. Бунинг учун эса корхона ходимлари ижодий изланишади.

Корхонада асосан пойабзаллар, спорт маҳсулотлари, дори-дармонлар учун турли хил ва ҳажмдаги қутилар тайёрланади.

Тadbиркорларимиз сафининг кенгайиши, бозорларимизнинг маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлигини корхона маҳсулотларига бўлган талабни янада орттириб, уларни ўз маҳсулотлари устида янада изланишга, замон талаблари асосида иш юритишга ундамоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Барча демократик давлатларда сайлов технологиялари такомиллаштирилмоқда ва бунга фикрлар хилма-хиллиги учун шароит яратиш орқали эришилмоқда, деб таъкидланди конференцияда.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 26 декабрида икки палатали парламент, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ишлари айнан шундай шароитда олиб борилмоқда.

Анжуманда кўлаб маърузалар тингланди ва уларнинг ҳар бири қизгин муҳокама қилинди.

Конференция қатнашчилари сайлов кампаниясини ташкил этиш масалалари бўйича фикр алмашдилар. Чунончи, депутатликка ўз номзодларини қўйган сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари оммавий ахборот воситаларидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ тенг фойдаланишини таъминлаш ана шу масалалар сирасига кириди.

Мунозарада сайлов технологиялари услублари ва воситалари, уларнинг психологик, ижтимоий ва маданий жиҳатлари, имижмейкерлик ва сиёсий маркетингни ривожлантириш истиқболларига оид масалалар асосий ўрин тутди.

Буюк Британиянинг «Монитор» журнали муҳаррири Крис Бучек оммавий ахборот воситаларининг сайловларни ёритишдаги вазифалари ҳақида гапирар экан, Фарб оммавий ахборот воситалари кўпинча шов-шув кетидан қувиб, аниқланмаган маълумотлар, қалбаки материалларни чоп этиши ва буни «мунозара» сифатида кўрсатишини, бу эса ақсарият ҳолларда вазиятни мураккаблаштиришга сабаб бўлишини қайд этди. Демократияни ривожлантиришга хизмат қиладиган сайлов каби муҳим воқеани ёритишда журналистлардан алоҳида эҳтиёткорлик ва ҳалоллик талаб этилади.

Бельгиялик сиёсатшунос, профессор Брайн Коллинс бу фикрни қўлаб-қувватлади. Оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясини ёритишдаги асосий қоидаси ҳолислик эканлиги-

ни, ахборотни тақдим этишда бирёқламлик эса воқеани нотўғри кўрсатиш, инсон ҳуқуқлари ва халқроқ меъёрлар бузилишига олиб келишини таъкидлади. Фарб мамлакатларидаги ақсарият сиёсатчилар буни ҳисобга олмай, рақобат шароитида телеэкран ёки матбуот саҳифаларида кўриниш учун турли ҳийла-найранглар ишлатади. Бу ҳолни эътиборга олиш лозим, чунки айнан оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиради.

Демократик ривожланиш йўлини танлаган барча мамлакатлардаги каби

кор сингари ўз ишида «зиён етказма» деган қоидага амал қилиши лозимлигини таъкидлади.

Шундай экан, оммавий ахборот воситалари ахборотни ҳар томонлама пухта ўйлаб узатмоғи керак. Ўзбекистонда бундай мутаносиблик мавжуд, бу бошқа мамлакатлар учун ўрнак бўла олади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш борасида жуда катта ривожланиш кузатишмоқда. Уларнинг сони 10 йил давомида 31 марта ортди, 1994 йилда уларнинг сони фақат учта эди, 2004 йилда 93 тага етди.

Бу ҳолат бир томондан демократия ривожланаётганидан далolat бўлса, иккинчи томондан муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Баъзан электрон оммавий ахборот воситалари «хамма нарса мумкин» қабилида иш юритиб, қонун доирасидан четга чиқиб кетмоқда. Бу галги анжуман журналистлар учун яхши тренинг бўлди, улар сайловларни ёритишнинг халқроқ тахрибаси билан танишдилар. Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этиш борасида халқроқ стандартларнинг асосий тамойиллари ҳам акс этган. Таъкидлаш жоизки, ҳамма мамлакатлар ҳам мазкур соҳада бундай аниқ қонунчиликка эга эмас. Сайлов кампанияси давом этаётган ҳозирги кунларда Ўзбекистондаги партиялар ва давлат тузилмалари вакиллари бутун дунёга очилишни, мулоқотга тайёр эканлигини намойиш этмоқда. Конференция самарали мулоқот руҳида ўтди. Унинг иштирокчилари бошқа мамлакатларда қўлланилаётган сайлов технологиялари, оммавий ахборот воситаларининг демократия шароитидаги фаолияти ҳақида янги ва фойдали маълумотлар олдилар.

Конференцияда сайлов кампаниясини ташкил этишни яхшилаш, оммавий ахборот воситалари ишини фаоллаштириш юзасидан билдирилган таклифларга асосан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Бўлғуси сайловларга бағишланган яна қатор халқроқ конференция ва семинарлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири**САЙЛОВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ**

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида замонавий сайлов технологияларидан фойдаланиш ҳамда оммавий ахборот воситалари ишининг ҳуқуқий ва этик жиҳатлари Тошкентда, Жасон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде ўтган халқроқ конференциянинг мавзуси бўлди. Анжуман Марказий сайлов комиссияси, Сиёсий тadbиркорлар маркази ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилди. Унда халқроқ ташкилотлар вакиллари, хорижлик дипломатлар, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Россия, АҚШ, Украина, Жанубий Кореядан экспертлар ва сайлов технологиялари бўйича мутахассислар, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистонда ҳам оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнининг фаол иштирокчилари ҳисобланади, деб таъкидлади республика Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Хуршид Дўстмуҳаммад. Шу боис сайлов арафасида журналистлар учун қатор семинарлар, сайлов технологиялари мутахассислари билан учрашувлар ташкил этилди.

Анжуманда оммавий ахборот воситаларида танқидий, салбий ахборот берилишини тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги масала ҳам кўтарилди. Жумладан, америкалик эксперт, Тинчлик корпуси вакили Кони Конг ана шундай фикрда. Америкалик сиёсатчилар ҳокимият учун курашда ҳар қандай усуллардан фойдаланади, деди. Албатта, матбуот эркинлиги — демократиянинг асосий шартларидан бири.

Бирок умуминсоний этика ва ахлоқ меъёрларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси профессори Игорь Панарин журналист ҳам шифо-

тамоийллари ҳам акс этган. Таъкидлаш жоизки, ҳамма мамлакатлар ҳам мазкур соҳада бундай аниқ қонунчиликка эга эмас.

Сайлов кампанияси давом этаётган ҳозирги кунларда Ўзбекистондаги партиялар ва давлат тузилмалари вакиллари бутун дунёга очилишни, мулоқотга тайёр эканлигини намойиш этмоқда. Конференция самарали мулоқот руҳида ўтди. Унинг иштирокчилари бошқа мамлакатларда қўлланилаётган сайлов технологиялари, оммавий ахборот воситаларининг демократия шароитидаги фаолияти ҳақида янги ва фойдали маълумотлар олдилар.

Конференцияда сайлов кампаниясини ташкил этишни яхшилаш, оммавий ахборот воситалари ишини фаоллаштириш юзасидан билдирилган таклифларга асосан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Бўлғуси сайловларга бағишланган яна қатор халқроқ конференция ва семинарлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири*Аёл ва ҳуқуқ***ЖАМИЯТИМИЗНИНГ
ФАОЛ ШАХСЛАРИ**

Бугунги кунда аёлларимизнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида кўлаб ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Аёл нафақат оила бекаси, балки тadbиркор, ишбилармон, сиёсий жараёнларда қатнашувчи фаол шахс, етук мутахассис, малакали кадр, қисқаси жамиятнинг энг илгор вакиллариандир. Ҳозирда уларни янада қўлаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Орзу-ош тузи» шўъба корхонасида «Аёл ва қонун, сайловларда уларнинг фаоллиги» мавзусида тadbир бўлиб ўтди. «Маънавият ва марифат» маркази туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тadbирда корхонанинг 60га яқин ишчи-ҳодимлари, хотин-қизлар иштирок эттишти.

Тadbирда «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Фарида Пармонова сўз олиб, юртимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида гапириб ўтди.

Сўнгра профессор Иброҳим Сожиев сўзга чиқиб, аёлларнинг сайлов олди жараёнларида фаол қатнашишлари, хотин-қизларнинг бу жараёнларда иштирок этибгина қолмай, балки ўзлари ҳам икки палатали парламент сайловларида депутатликка номзодларини қўйишлари, сайловларда ташаббускор бўлишлари лозимлиги хусусида тўхталиб ўтди.

— Бугунги тadbирдан қўзланган мақсад шуки, ҳар бир аёл ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етган ҳолда яшаши, ишлаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши зарурлигини яна бир бор хотин-қизларимизга тушунтиришдир, — дейди Фарида Пармонова.

Меҳнат қилган киши дам олишни ҳам унутмаслиги керак. Тинимсиз ишлаш, иш соатининг юқорилиги, доимий иш жараёни албатта ҳар қандай кишини толиқтириши табиий. Лийнхика аёлларнинг қундалик меҳнатига эътибор берасак, улар бажараётган ишлар ҳар қандай манама деган кишини толиқтириши тайин.

**АЁЛЛАРНИНГ ТИББИЙ
ҲУҚУҚЛАРИ**

Шу ўринда оила аталмиш муқаддас маскан осойишталиги йўлида меҳнат қиладиган аёлларимиз ўз соғлиқларига эътибор қилишни унутиб қўймаётганимикин? Уларнинг саломатлиги қай тарзда муҳофазаланган? Соғлигини йўқотган хотин-қизларга ердам тариқасида қандай имкониятлар, имтиёзлар яратилган? Шайхонтоҳур туманидаги «Ўқчи» маҳалласида «Аёлларнинг тиббий ҳуқуқлари» мавзусида ўтказилган тadbирда ана шу хусусда сўз борди.

Тadbирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Дилфуза Гуломова ташриф буюриб, аёлларимизга тиббий соҳада яратилган имкониятлар, маълум касаллик билан оғриган беморлар ва 1,2,3-гурӯх ногиронларига берилган имтиёзлар, уларга меҳнат таъгилида дам олиш уйларига бепул йўланмалар берилиши тўғрисида афрофлича тушунтиришлар бериб ўтди.

— Аёлларимизнинг жамиятдаги ўринларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг саломатликлари ҳамма нарсадан устунлигини яна бир бор уқтириш мақсадида бундай тadbирларни ўтказиш албатта фойдалан ҳоли бўлмайдди, — дейди жумладан «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Зубайда Азизова. Уюштирилган ушбу тadbирда иштирокчилар ўзларини қизиктирган, ўйлантириб келадиган саволлар билан мутахассисга муурожаат қилишиб, аниқ жавоблар олишди.

Озода РАҲМАТОВА

2004 - Меҳр ва мурувват йили

ИБРАТГА МОЛИК ЮМУШЛАР

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган марралар беқисбдир. Айниқса, пойтахт азиямининг бутунлай ўзгарганини, унинг нуфузи тобора юксалаётганини кўриб кўз қувонади. Бу оламшумул жараёнлар халқимиз, маҳалла фуқаролари олдида ҳам катта вазифалар қўймоқда. Зеро, бу ноёб бирламчи бошқарув идораси кучли жамиятимизнинг пойдеворидир.

Чилонзор туманидаги Лутфий маҳалласида 869 та оила истиқомат қилади. Фуқаролар сони 2964 кишини ташкил қилади. Ҳозирги кунга келиб оилаларда фақатгина 5 марта ажралиш ҳолати қайд этилган. Турли диний оқимларга адашиб кириб қолганлар, ичкиликбозлар, гиевандлар умуман йўқ. Кўпчилик аҳоли ишлайди, улар орасида зиёлилар ҳам талайгина, шунинг учундир, маҳаллада халқ манфаати нуқтаи назаридан ёнаётганидан, ўз ортидан маҳалла аҳлини эргаштира оладиган, дунёқараши янгича, қобилиятли, оддий ва камтар; бой тажрибага эга бўлган инсонлар кам эмас. Бу борада қобилиятли раҳбар, олим, ўз худқ-атвори, ширин сўзи билан маҳалла фуқароларининг кўнгилга йўл топаётган Лутфий маҳалласи оқсоқоли Рихсиббой Каримовни келтириб ўтсак хато бўлмайди. Оқсоқол мутасадди ташкилотлар, хотин-қизлар комиссияси раиси ҳамда маҳалла фаоллари билан биргаликда «Меҳр ва мурувват» йили давлат дастури ижроси йўлида қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, жорий йилда маҳалла ҳудудида жойлашган Глиэр номи маданият уйида «Меҳр қолур — оқибат қолур» мавзусида катта тадбир ўтказилди. Унда 150 дан ортиқ аёллар қатнашди. Тадбирда меҳр-мурувват, саховат каби гўзал инсоний туйғулар, дунёда эзулик ва яхшилик тантана қилиши айтиб ҳақиқатлиги ҳақида гап борди. Туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан чиройли дастурхон ёзилиб, кам таъминланганларга олтиш минг сўмлик совға-салом тарқатилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида шу давр

ида болани парварош қилиш буйича 21 та ариза қўриб чиқилди ва шулардан 15 нафар кам таъминланган онага нафақа тайинланди. Ушбу даврда икки ёшгача фарзанди бўлган ишламайдиган оилалардан 31 нафар нафақа билан таъминланди. Жамғарма ҳисобидан ҳозирги кунда маҳалла идораси қайтадан таъмирланди. Деворлар оқланди. Маҳалла аҳолиси ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этишда идоралаги алоҳида ажратилган хона дикқатга сазовордир. Ундаги «Эъзоз топганлар» — маҳалладаги обрў-эътиборли табарруқ отахонлар расмлари билан безатилган стендлар катта аҳамиятга эга. Идора ҳовлисида мевали дарахт кўчатлари экилиб, гулзор барпо этилди. Ҳозирги кунда 300 тупдан ортиқ экилган гул кўчатлари парварош қилинмоқда.

Маҳалла чойхонасида фаолларнинг самарали фаолият олиб бориши билан бир қаторда аҳолининг ишдан кейин ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча қулайликлар мавжуд. Маҳалла ҳудуди яқинида Республика спорт интернати жойлашганлиги сабабли, кўпчилик энгил атлетика, гимнастика, дзюдо, сузиш, футбол билан мазкур жойда шуғулланиш имкониятларига эга.

Ёшлар тарбияси борасида «маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлиги» концепциясини ҳаётга татбиқ қилиш учун ҳудудда яшайётган ибратли оилалар ютуқларини кўпроқ газета, радио, телевидение орқали ёритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, албатта. Ёшларни турмуш қуришга, оилавий ҳаётга тайёрлашга оид олиб борилаётган тадбирларни кучайтириш учун тажрибали педагоглар, ши-

фокорлар, психологлар ва шу каби мутахассисларни жалб этиш яхши натижаларга олиб келади, деган фикрларимиз.

Ёш қизлар ва аёллар ўртасида самарали иш олиб бориш билан бирга, маҳалла ҳудудида тадбиркор аёллар ишлари, уларнинг эришган муваффақиятларини кўрсатиш лозим.

Юқорида қайд қилинган ижобий ҳолатлар билан бир қаторда маҳалламиз кўркинли хиралаштирадиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, бизнинг маҳалла «Фарҳод» бозори томонидаги магистрал йўлининг ўнг томонида жойлашган. Кўча бир томонлама ҳаракат йўли бўлиб, катта йўлга чиқиш учун (трамвайдан бўлак) энгил машиналар, автобуслар ва бошқа транспортлар белгилаб берган Х.Турсунқулов кўчаси орқали катта магистрал йўлга чиқади. Аммо кўчаларда на йўлчиноқ, на оғоҳ-лангирувчи белги қўйилмаганиги сабабли машина ва автобуслар ҳоҳлаган, яъни тор кўчалар-С.Қориев, Энергетика бўйлаб ҳаракат қилаётганлар. Мазкур кўчалар тор, қатор уйлар жойлашган ҳамда ёш болалар шу кўчаларда мактаб, боғчаларга қатнаганлари сабабли бундай ҳолат ниҳоятда хавфлидир. Ундан ташқари мазкур кўчаларда 50 йил мустақил экилган дарахтлар ўсиб баҳайбат тус олиб кетган. Ийиллар давомида улар буталмаганилиги сабабли кўчадан ўтган электр симлари, айниқса ноҳуш об-ҳаво бўлган кезларда узилади. Натижада транспорт қатнайдиган ҳаракат йўллари чироқсиз қоп-қоронғу зими-стонга айланади. Шу келтирилган фактлар буйича биз маҳалла фаоллари керакли ташкилотларга мурожаат қилишимизга қарамай бу масала ҳанузгача ўз ечимини топмаган.

Хулоса қилиб шунини айтиш лозимки, «Меҳр ва мурувват» йилининг долзарб масалалари Чилонзор туманидаги Лутфий маҳалласида ҳам баҳоли-қудрат ижобий ўз ечимини топаётган.

Насиба ҚОРИЕВА,
маҳалла фаоли,
тарих фанлари номзоди

Биз мактуб сабаб «Янгиобод» маҳалласида бўлдик. У ерда футбол жамоасини тузиб, ўсириб ёшлар билан мураббий сифатида иш олиб бораётган савобли юмушни ўзи учун оддий инсонийлик бурчи деб биланган Дилшод Тўлаганов билан учрашдик, унинг фикр-уйлари, мақсад ва ниятлари билан ўртоқлашдик.

— Юртимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. — дейди Дилшод сўхбатга киришар экан. — Ҳар соҳада янгиликни, бунёдкорлик, яратиб, олдинга интилиш. Айниқса ўсиб келаётган ёшларнинг жисмонан соғлом, бақувват бўлиб воёга етиши, ёшликдан спортга муҳаббат уйғотиш, соғлом турмуш тарзини улар қалбига синдириш давлатнинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Шундай экан нега қўлидан бирон иш келишга қодир бўлган одамлар четда туриши керак. Менимча шу юрт фарзанди эканлигини унинг ривожига ўзимизнинг озми-кўми улусимизни кўшишимиз керак деб ўйлайман. Шу ниятда 2004 йилнинг февраль ойида маҳалламиздаги кам таъминланган оила фарзандларини тўплаб футбол жамоасини туздик. Уша пайтда уларнинг сони 15 та бўлган бўлса ҳозирда 40 нафарга етди. 1989-1996 йилларда туғилган ўсириллар ўзлари жуда ҳам хоҳлаб, миллионлар йўлига ёшликдан иштиёқманд эканликларини айтиб келишмоқда.

Авалло ҳудудимиздаги 12-мактабда машғулотларни ўтай бошлаган эдик. Кейин эса 246-мактабга қатнадик. Мактаб директори Светлана Гаспоров билан бир қатор яратиб беришга, маҳалламиз оқсоқоли Умарбек

Раҳмонбердиев ҳам қўллаб туришга ҳаракат қиладилар.

Лекин маҳалламизда биронта спорт майдонининг йўқлиги бизга жуда панд бермоқда. Мана эрта-индин қиш кириб келади... Унда аҳолимиз нима кечаркин,

ний йўллари, боши берк кўчаларга кириб қолишларининг олдини олишда жуда катта ёрдам берапти деб ўйлайман. Улар қани энди ўзимизнинг футбол майдонамиз бўлса, бошқа жамоа болалари каби спорт жиҳозлари билан тўлдирилган спорт комплек-

Мактуб йўлга горлади ЭРТАМИЗНИНГ «ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАРИ

Яқинда таъриятимизга бир мактуб келди. Унда айтилишича Юнусобод туманидаги «Янгиобод» маҳалласида ибратли ва савобли юмушга қўл урилган. Яъни, шу маҳаллада истиқомат қилувчи, спортни жон-диладан севган Дилшод Тўлаганов исмли ҳамшаҳримиз кам таъминланган оила фарзандларини тўплаб, ишқдорли-тешдодли ёшларини саралаб футбол жамоасини тузган. Ва ушбу жамоа бугунги кунда қатор спорт мусоабаларида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ота-оналар ва маҳалла аҳли бу куюнчак йигитнинг ишидан жуда мамнун. Айни вақтда эса ушбу команданинг машғулотларини ўтказиши учун алоҳида футбол майдони, ювиниш, ечиниб-кийиниш учун шарт-шароитлари йўқ. Таъхирият ҳодимлари маҳаллага бориб аҳолини ўргатсалар ва айна болалар спортга кенг эътибор берилаётган вақтда мутасадди ташкилотларни хабардор қилиб, газета орқали ёритсалар деган таклифлар битилган.

қасрда машғулот ўтатми? Яна шунини айтмоқчиманки маҳалламиз болаларига ёрдам бераёқ алашмаймиз деб ўйлайман. Тартиб-интизом бизда биринчи ўринга қўйилган. Мактабда яхши ўқиш, намунали ҳулқ-атворга эга бўлиш керак. Беришган ҳар бир топшириқни вақтида аълога бажаришди. Футбол уларни кўча чангитиб, турли ноқону-

сларида биз ҳам шуғуллансак, деб орзу қилишди. Ҳар қандай қийинчиликка қарамай улар командани ташлаб кетишини ўйлашмайди ҳам. Мана Меҳр ва мурувват йилида қўллаб хайрли, савобли юмушлар амалга оширилмоқда. Шулар қаторида бизнинг маҳалла футбол командасига ҳам ҳомийлар, мутасадди ташкилотлар томонидан озгина эътибор қаратилса жуда



Хотира қўйонса қўзандир ЭЪЗОЗ ОНЛАРИ...

Мамлакатимизда ўтказиладиган турли байрам ва тадбирларнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари бор. Халқимиз анъаналарига кўра, уларни ўтказишдан асосий мақсад инсонни эъзозлаш, унинг кадр-қимматини улуглашдан иборатдир. Кўни кеча Собир Раҳимов туманидаги Чустий маҳалласида устоз Чустий таваллуд топганлигининг юз йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир яна ҳам жозоба касб этди. Кечага ўқитувчи ва мураббийлар, Набижон Чустийнинг авлодлари таклиф этилди. Тадбирга Республика ёзувчилар уюшмаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси, «Фармако» ишлаб чиқариш савдо компанияси каби бир қатор ташкилотлар ҳомийлик қилишган бўлса, «Регистон» ресторани жамоаси беминнат хизмат кўрсатди. Таралаётган куй-қўшиқлар, муталаа қилинган Чустий домланинг газалларини йилгиланлар завқ билан тингладилар.

— Устоз — она мисоли. — Она ўз фарзандига меҳрини бағишласа, устоз уни камолотга етказайди. Бу икки меҳр камил инсонни тарбиялайди, — деди тадбирда сўз олган Чустий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси К.Шодиев — Бежизга Президентимиз «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деб таъкидламаганлар. Ўзбекистон халқ хофиси Ҳасан Ражабий ижросида янгаран мумтоз кўшиқлар барчанинг қалбига илликлик бағишлади. Шунингдек тадбирда Чустий маҳалласида жойлашган 298-мактаб, 168-болалар боғчаси ўқувчи ва болалари ўз чиқишлари билан бахтли болалик шукронасини изҳор этишди. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёв Жабборовнинг шеърлари, Чустий ҳақидаги хотиралари, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари С.Ҳасановнинг табрик сўзлари барчани мамнун қилди. Яна «Наврўз» жамғармасининг «Муҳаммад-жон Гармон» дастаси, Республика Болалар ижодий маркази қошидаги «Настарин» эстрада гуруҳининг чиқишлари тадбирнинг жон-

ли ва қизиқарли ўтишини таъминлади. Тадбир давомида сўзга чиққанлар мамлакатимизда халқ тинч-осойишта кунларимизнинг калдрига етиш, бир-биримизни кадрлаш, айниқса устозларни эъзозлаш халқимизнинг миллий қадрияти, давлатимизнинг асосий мақсади эканлигини таъкидладилар. Тадбир иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди. **Зафар ЁҚУБОВ**
СУРАТДА: Чустий маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

ХОНАДОНЛАРИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда тинчлик-хотиржамликка ҳисса қўиши шу юрт фуқароси бўлган ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. рилмоқда. Бу ерда иш олиб бораётган ички ишлар ходимларининг фаолияти ҳам айтиш мумкинки, тубдан ўзгартирилди. Энди улар фақат профилактика инспекторлари сифатида эмас, балки маҳаллада содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай ноҳуш ҳолатнинг, жиноatchиликнинг олдини олиш, фаоллар, по-

сбонлар билан ҳамкорликда, ягона куч бўлиб фаолият кўрсатадиган жонқуярларга айланганлар. Кейинги вақтларда юртимизда содир этилган муҳиш террорчилик ҳаракатлари ҳар биримиздан ҳамиша оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, ён-атрофимиздаги воқеа-ходисаларга бефарқ қарамастикка чақирмоқда. Маҳаллаларда ҳам ички ишлар ходимлари иштирокида тез-тез йнгилиш, учрашувлар ва сўхбатлар ўтказилмоқда. — Худудимизда тинчлик-хотиржамликнинг сақланиши, хонадонлар осой-

ишталлиги йўлида туну-кун посбонлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз, — дейди Миробод туманидаги «Сарикўл» маҳалласи 138-таянч пункти профилактика инспектори, милиция капитани Баҳодир Раҳмонов. — Воёга етмаганлар, тарбияси оғир ўсириллар, амнистия туфайли озодликка чиққан кишилар, уларнинг иш билан таъминланиши, оиласини тиклаши ҳам доимий назоратимизда. Маҳаллага кимлар келяпти, ким кетаяпти, паспорт тизими, ёшларнинг турли ноқонуний йўллarga кириб кетмаслиги, спорт би-

кўнгилдаги иш бўлар эди. Мен фақат бир ният билан ушбу ишга қўл урдим: фарзандларимиз соғлом, руҳан тетик бўлиб воёга етсинлар, ахир улар бизнинг келажагимиз.

Биз жонқуяр мураббий билан сўхбатлашар эканмиз атрофимизни жамоада тўп сураётган ўсириб-ёшлар ўраб олиши.

Фаррух Нурматов: Футбол менинг жони дилим. Яхши ва чиройли ўйин кўрсатсанг, командангни олдинга олиб чиқсанг хурсанд бўлиб кетасан. Биз ёшларга катта ғамхўрлик қилинапти. Шунга яраша биз ҳам муносиб бўлиб воёга етишга ҳаракат қилишимиз керак. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бизга албатта ёрдам кўрсатилишини кутиб қоламиз.

Рашид Муҳаммад: Ишонасизми, ҳозирда ҳатто футбол тўларимиз ҳам етарли эмас. Бизга шарт-шароит яратиб беришди деб орзу қиламиз. Балки эртага футбол бўйича юртимиз довругини кўтарадиган Марадоналар бўлиб етишармиз...

Ҳа, ёшларнинг, уларга таълим бераётган устознинг ёниб, куйиб-пишиб фикр билдиришларида жон бор. Улар эртамизнинг муносиб издошлари, ёруғ юлдузлари бўлишга чоғланган қалдирғочлар. Ишонасизми гап эгасини топади. Албатта уларга ҳомийлик қилувчи ташкилотлар, беминнат ёрдам қўлини узатувчи саховатли инсонлар топилди. «Янгиобод» маҳалласи футбол жамоасининг янги-янги ютуқлари ҳақида яна кўп бора эшитамиз, газетамиз саҳифаларида ёритамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Мақбурлар ИЛМ ОЛ, ҲУНАР ЭГАЛА

Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг юксак маънавиятли, ақдан етук бўлиб воёга етишларида мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Айниқса маҳаллаларда жойлашган кутубхоналар, улардаги маънавий хазина бўлмиш китоблар, ўтказилаётган қатор маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни беқисб.

Хусусан кўни кеча Собир Раҳимов туманидаги «Гуручарик» маҳалласида жойлашган Ҳамза номи оммавий кутубхонада бўлиб ўтган «Ешилди илм ўрғани, ҳунар эгалла» деб номланган тадбир ҳам айнан юқоридаги эзу ниятларини қўллаб уюштирилди. Маҳалла фаоллари, Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёрлари, 243-мактаб ўқувчилари, туман маданият бўлими ва кутубхона хозимлари иштирок этган тадбир ниҳоятда серзавқ, савол-жавоблар, фикр алмашувлар билан ўтди.

— Маҳаллада бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб туради, — дейди биз билан сўхбатда «Гуручарик» маҳалласи оқсоқоли Саъдулла Файзуллоев. — Кутубхона ва мактаб билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ёшларимизнинг соғлом фикрида, маънан етук бўлишларида ўйлашгани китобнинг ўрни ниҳоятда каттадир. — Кутубхонамизда 17.000дан ортиқ китоблар мавжуд. — дейди сўхбатни давом эттириб кутубхона мудариси Шаҳноза Авазова. — Улардан ташқари кундалик, ойлик газета ва журналларни ҳам олиб турамиз. Кутубхонамиз яқиндагина таъмирдан чиқарилди. Унга Собир Раҳимов туман маданият бўлими раҳбари Собир Аҳмедов бошчилик қилдилар. Китобхоналаримиз сафининг кўпайиши, кўпроқ ўқувчини жалб қилиш мақсадида мунтазам турли-туман тадбирларини ўтказиб келямиз. Бу борада 243-мактаб ўқувчилари ўстозлари Муаттар Раҳимова бошчилигида доимо ёнимизда бўладилар. «Китобхон-оила» кўрик тайловида қатнашган Раҳимовлар оиласи шаҳарда


биринчи, республикада 4-ўринни эгаллаши ҳам ишимиз сармарасини кўрсатади. Уйлашманки, китоб муталаа қилган, газета-журналлардаги қатор мақолаларни ўқиб, таҳлил қилган ёшларнинг дунёқараши кенгайди, илмга бўлган қизиқишлари янада ошади. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, ёш китобхоналаримиз учун лотин тилидаги бадий адабиётлар етишмаяпти, иложи бори-ча уларни кўпайтириш керак. Чунки улар жуда чанқоқлик билан ўқийди, ўрганишни хоҳлайдилар. Уларнинг иштиёқини сундирмаслигимиз керак.

Тадбирда сўз олган Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёри Дилмурод Узоқов ёшлар билан турли мавзуларда дилдан сўхбат қурди. Уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.


Шунингдек, 243-мактаб бадий



Маҳаллаларда бу борада олиб борилаётган ишлар тобора такомиллашти-



ҳар қандай ноҳуш ҳолатнинг, жиноatchиликнинг олдини олиш, фаоллар, по-



ҳар қандай ноҳуш ҳолатнинг, жиноatchиликнинг олдини олиш, фаоллар, по-



ҳар қандай ноҳуш ҳолатнинг, жиноatchиликнинг олдини олиш, фаоллар, по-

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚИЙ ДОНО БЎЛУР...

● Қилинган насиҳат қабул шарафига мушарраф бўлмас бунинг иллати кўпроқ насиҳатгўйнинг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим комил бўлса, қилган ваъз-насиҳатнинг остида бирор ғарази бўлмас, эшитувчининг қабулига муяссар бўлади.

Байт:
Насиҳатин таъсири бўлмас ҳеч кишига,
Таажжубмас, дилида ғарази бор кишининг.
Яхши камон бўлса-ю камонгар уста бўлса,
Ўқи нишонга тегмай қолмас зинҳор кишининг.

● Ҳикмат. Хар қимнинг феълу атворида нуқсон бўлса, унинг қилган ваъзу насиҳатини ҳеч қим қабул қилмайди.

Байт:
Сўзларингни эшитмаса ҳеч қимса,
Бехудага чекма жабру жафони.
Ўз нафсинга ўқи аввал насиҳат,
Токи бузмай юрсин ахду вафони!

● Ҳикмат. Хар қим тухматчилар қаторида ўтирса, уни тухматчиликда айбасалар, ўзидан хафа бўлсин. Хар қим ўз сирини яширса, надомат ва пушаймонлик тортмайди. Бу ҳақда яхши айтганлар:

Ошқор қилиб бўлмас сирларинг бўлса,
Дилингда жойла-ю унга муҳр бос.

Эл оғзига тушган, зиённи кўпдир,
Икки лаб ичидан сир чикса бехос!

● Ёлғондан ичилган қасамнинг охири хорлиқдир. Улим хавфи бўлса ҳам, ҳаминча рост сўзламоқ керак.

● Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Байт:
Насиҳатим бўлса бегараз,
Жони билан тинглайди киши.

Фойдаи ё зиён барибир,
Финглайвериш бефаман иши!

● Ҳикмат. Аристотель шундай ёзади: «Изаат тиласанг ифратли бўл, улуглиқ тиласанг мулоим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, наҳот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду-жаҳд қил!»

Байт:
Дунё моли гўё булут сояси,
У ёндан бу ёнга ўтар ҳар замон.

Шунинг учун молнинг эътибори йўқ,
Бир онда ўзгариб қолар ногаҳон.

Хушёр киши шундай кишики доим.
Топганини элга қилади эҳсон.

● Бир ёлғончи ва бехуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб, дерди:

«Мажастий» бирла «Ўқлидис» билурман,
Бу фан бобида юзни мот қилурман.

Замона саҳифасида ва замин у осмон теграсида, умуман, эл орасида нимаики бўлса менинг кўзларимга аёнди!

Унинг бехуда ва паршон аҳволдан воқиф бир доно унга деди: «Кўп баланд пастига учма, ёлғончилик кўйига тушма! Узоққа бориб юрмайлик, айтчи, иняингдаги соқолинг толаси нечта?»

Байт:
Бехуда гапларни гапирса киши,
Гапидан ортажақ бошда ташиши.

Маништинг, янги рукни:

**Умри чинорлар
ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
ОСМОНИМИЗ
МУСАФФО БЎЛСИН**



Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садқа ано қошига.
Ўйлаймизки, давраларда, улугларимиз орасида қайта-қайта такрорланадиган бу байтни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Шундан келиб чиқиб айтадиган гапимиз битта. Ота-она — зоти олий. Улар олдида ҳаминча қарздоримиз. Муҳими, мана шу масъулиятни, мана шу бурчни унутмаслигимизда қолган. Зеро, куёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт йўқ, ота-онасиз эса муҳаббат. Халқимиз орасида азал-азалдан «Қариси бор уйнинг париси бор» деган бир ибора юради. Йиллар силсиласидан ўтган бу мақол бежиз айтилмаган. Агар назар солган бўлсангиз нуруний оналар, пиру-бадавлат оталар бор уй ўз файзи - таровати, одо-бу-икромии билан бошқалардан ажралиб туради. Сабаби оддий. Нуруний кексалар Зухро юлдузи ҳали сўнишга улгурмай чарақлаб турган дамда уйқуни тарк этишадди. Тонгги мусаффо ҳаводан баҳраманд бўлиб тоат-ибодатга шошилишадди. Ёшлар ҳам улардан ибрат олиб барвақт туришадди-да эрталабки юмушларни бажаришга киришадди. Биров уй-жойини тартибга келтирган, яна бирови кўча-ҳовлини супуриб-сидирган. Қарабсизки, ҳали куёш ётоғидан бош кўтармай туриб ҳамма ёк саранжом-сарашта.

Жамулжам, хотиржамлик ва дуоғўйлик билан ўтган нонуштадан сўнг ўғил-қизлар, келин-келват ва набиралар бирин-кетин отажон ва онахонларидан оқ фотиҳа олиб хизматга шайланганди.

«Кекса қариялар бор жойда одобли ёшлар етишиб чиқади, улар йўлни юлдуздек нур сочиб туришадди», дейишларининг боиси балки шундан бўлса ажаб эмас. Бугун гўзал дёйримизда фақат ўғил-қизлар эмас, балки эл эъзосида юрган қарияларимиз ҳам кўп. Улар орасида уч аср билан юзлашган умри чинор онахону-отахонлар бор. Бугун ўғил-қизлар, набира, абира, чеваралар хурматида юрган бу табарруқ зотлар ҳақида ҳар қанча фахрли сўз айтсак ҳам. Шунин назарда тутиб таҳририятимиз газета саҳифасида «Умри чинорлар» рукнини очмоқда. Айтадиларку,

*Ёшимсан, кексани сен хурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан уйла.
Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,
Буни тушунарсан қариган чоғинг.*

Албатта, янги рукни остидаги материалларни ёритишда кўпроқ сиз азиз оқшомхонларнинг ёрдамингизга суянамиз. Чунки биздан кўра сиз халқимизнинг эъзозли кексалари билан янқидан танишсиз. Балки улар билан ёнма-ён яшаб, нурунийларнинг доно ўғитларидан баҳраманд бўлаётган дирсиз. Бугун шу мақсадда бошловчи мақола сифатида диққатингизга шахримизнинг 5-Сергели даҳасида истиқомат қилувчи юз билан юзлашган нуруний онахон Ҳоҗия Нурмуҳаммад кизининг дил сўзларини ҳавола этаётимиз.

— Вой, айланай мухбир болам, қаричилик кўрсин. Очиғи гапни нимадан бошлашни билмай қолдим. Яхшиси сиз савол беринг, мен жавоб берай.

Асли тағи лабзакликман. Ўқчи маҳалласига келин бўлиб тушганман. Умр йўлдошим — Ҳасанбой отангиз билан (у кишини Худо раҳматига олган бўлсин) 10 та фарзанд кўрдик. Ҳозир улардан бир ўғил, беш қизим ҳаёт. Пиру-бадавлатман. 25 набира, 87 абира, 7 та чеваранинг бувижонисиман. Бўлдимми? Яна нимани айттай?

Ҳа, ўқиганман, болам, ўқиганман. Эски мактабда. Анчагина саводим бор. Форс тилини яхши биламан. Навой, Фузўлий, Лутфий ғазаллари билан анча-мунча танишман. Ёшлигимда уларни кўп мутулаа қилардим. Балки шунданми, маҳалладагилар мени «отин ойи» деб аташарди. Аслида ўзим чевар эдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Тез-тез мижозларим,

кўни-кўшнларим билан тўпланишиб, соатлаб гурунглашиб қолардик. Шунда биргаллашиб Абдулла Қодирий, Чўлпонни мутулаа қилардик. Замон тазйиқи ила бекитиқча қўлдан-қўлга ўтиб юрган бу китобларнинг саҳифалари сарғайиб кетган бўлишига қарамай, улардан иложи борича авайлаб-асраб фойдаланардик. Эсизгина шундай халқ севган истеъдодларимиз дорилло ўзи ўша шеърни бир ўқиб берсин, биргаллашиб эшитайлик.

Инсон боши тошдан каттиқ, деганлари рост экан. Эй болам, бу бош нималарни кўрмади дейсиз. Бугунги кун ўтмасдан эртанги кун тавишини чекиб юрганларимизни унутиб бўлардимми? Нон десак кесак гириллаган пайтлар бир умр ёдимда қолган. Агар билсангиз ўшанда бир ашула чиққан эди: «Андижонда ўт ёқсам, ўшда тутун, бу дунёда бормикан бағри бутун». Ҳа, ҳа сиз ҳам биларкансиз. Шу ашула

кўпчиликнинг оғзидан тушмасди. Вой, тавба қаранг-а, ашулалар ҳам ўз замонасига мос бўларкан-да.

Яқинда қизим Рашидахон кўлида китоб билан кириб келди. «Қанақа китоб» деб сўрасам: «Мухаммад Юсуф деган шoirнинг шеърлар тўплами» деб қолди. «Қани менга ҳам бир ўқиб берчи», деб илтимос қилдим. Ўқиди. Яхшиши, Рашидахоннинг ўзи ўша шеърни бир ўқиб берсин, биргаллашиб эшитайлик.

*«Ок йўргакка урагансан ўзинг бизни,
Ҳам оқ ювиб — тарагансан ўзинг бизни.*

Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч қимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!»

Ана кўрдингизми мухбир болам, бу шеърнинг ҳам мазмун — оҳанги бизнинг давримизга мос

ва хос бўлиб тушиб турибди.

Туриш-турмушингиздан, кўнглингиз тўқми, болаларингиздан розимисиз, деб сўрайсизми? Ахир бугун турмушдан миннатдор бўлмаган, бола-чақасининг роҳатини кўрмаган одам йўқ десам бўлади, айланай. Толоимдан ўргилай, бола-чақаларим, набира-чевараларим ҳаммаси бошимда парвона. Айтадиларку, ҳар кишини қариганда ёрлақасин деб. Мен мана шунақа Худо ёрлақанларданман. Ахир бу яхши кўнларга етганлар бор, етмаганлар қанча. Шундай экан, бу кўнлардан, бу умрдан ризо бўлмай бўладими? Эсиз, қанча-қанча тенгқуларимга бу бахтли замонларни кўриш насиб этмади.

Ҳа, гапингизда жон бор болам. Агар билсангиз ҳозир ҳам «ойнаи жаҳон»ни кўриб, радио эшитиб тураман. Яхши хабарлар кулоғимга чалинса қувонаман, ҳар сафар юртимиз раҳбари Исрол Каримовнинг дилдан қуноиб гапиршини кўриб қолсам, қани энди мана шунақа элпарвар, юртпарвар инсонлар кўпайса дейман. Ҳаққиға дуо қиламан. Ахир «Олтин олма дуо ол», деган гап бежиз айтилмаганку. Дуо билан эл кўқаради, юрт тинч-осойишта бўлади. Баъзан ноҳуш хабарларни ҳам кўриб-эшитиб қоламан. Шундай кезларда ўзимча ўйлаиб кетаман. Ҳой, худо беҳабарлар дейман. Ҳўш, сенларга нима етишмаяпти ўзи? Ахир еганинг олдингда, емаганинг ортингда бўлса, шундай ўз хузур-халоватида кечиб, бутун умрини одамларга яхшилик қилишга бағишлаган инсон бошимизда раҳнамолик қилиб турса-ю сенлар ношукрилик қилиб турсаларинг дейман. Ундан кўра сенлар ҳам эл бойлиғи, фаровонлиғини ўйлаб куч-қувватинг бор экан, уни яхшилик йўлида сарф этсанг балки бугунги кунимиз бундан ҳам яхшироқ бўлармиди дейман.

Айланай мухбир болам, қаричилик — эзмачиликда. Назаримда гапим кўпайиб кетиб сизни зериктириб қўйдим чоғи. Келинг, яхши-енди биргаллашиб бир дуо қилайлик. Илоҳо омин, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Элимизни турли бало-қазолардан, ёмон кўзалардан асрасин. Яхшилар кўпайиб, ёмонларга инсофу товфиқ берсин. Одамларимиз бир-бирларига иззат-хурматда, меҳр-оқибатда бўлсин, оллоху акбар.

Ҳоҗия ОРИТҚОВАНИНГ дил сўзларини оққа кўчирувчи Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

“ФИЛИПС”НИНГ КЎМАГИ

Тошкентдаги Республика Шошилич тиббий ёрдам марказига “Филипс” компаниясининг “Газел” русумли автомашина ва тиббий асбоб-ускуналардан иборат жами 25 минг АҚШ доллари миқдоридаги бегараз ёрдами топширилди.

Филипс тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. У 1995 йилдан бошлаб мамлакатимизда фаолият юрита бошлаган.

— Филипс тиббиёт тизими компанияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида 2002 йилда махсус да-

стур ишлаб чиқилди. — деди компаниянинг вице-президенти Диетер Хоффман.— Унга кўра, Ўзбекистон тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган мутахассислар ўқитилади. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистондаги 60 дан зиёд тиббиёт муассасаларида ўқув семинарлари ташкил этдик. Уларда сак-

киз мингдан ортиқ тиббиёт мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан мутасаддилар Филипс компанияси томонидан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига катта ёрдам берилаётганлигини таъкидлашди. Жумладан, шошилич тиббий ёрдам марказига ўрнатилган олтига ренгтенг ускуналари, турли касалликларни аниқлаш ва даволашда ишлатиладиган замонавий жиҳозлар беморларга тез ва намунавий хизмат кўрсатиш имконини бераётганлигини эътироф этишди.

“Туркистон-пресс”

Шифобахш қисмликлар

ЛОЛА

... Доланинг ширасини бoш ва миёна тoзалаш учун бурунга тортилади. Бошдан рутубатларни тортиш учун унинг илдизи чайналади.

... Унинг ширасини асал билан қўшиб ишлатилса, кўз хираланишига, кўзга оқ тушишига ва кўздаги яралардан қолган изларга фойдалидир.

... Куритилган лoла чиркли яраларга фойда қилади ва уларни битиради, пўст ташлашга ҳам фойда қилади.

... Лoлани қайнатиб, қаттиқ бўлмаган шишларга суртилади ҳамда чипқон ва иссиқ тошмаларни бунинг воситаси билан (ёриб) бўшатилади.

... Ёнғoқ пўчоғи билан аралаштириб ишлатилса, барг ва шoхчаларини шундайлигича ёки қайнатиб ишлатилса, сочи қорайтиради.

НИЛУФАР

... Уруғи ва илдизи яралар учун фойдалидир.

... Илдизи ичилса ёки қуюқ суртма қилинса, талоқ шишлари учун фойдали бўлади.

... Унинг уруғлари эса ҳар соҳада шунчалик кучлидирки, ҳатто ҳайз қони кетишини тўхтатиб қўяди.

... Илдизини сув билан қўшиб доғни йўқотиш учун қўйилади.

... Шароби йўтал ва ... зотилжамқ қарши даводир.

НАРГИС

... Наргиснинг илдизини асал ва ёввойи ясиқ билан қўшадилар ва бу аралашма қийинчилик билан етиладиган йирингли шишларни ёради.

... Наргис жараҳатларни қовжиратади ва уларни шундай ёпиштирадики, ҳатто пайларнинг узилишини ҳам маҳкам бириктириб юборади. Асал билан янчилик оловдан қуйганга, чуқур яраларга қўйилади.

... Наргис ёғи асабга фойда қилади. Илдизидан бўғинлар оғриғига қуюқ суртма тайёрланиб ишлатилади.

... Наргис миёдаги тикилмаларни очади ва савдодан келиб чиқадиган рутубатли бош оғриғига фойда қилади.

... Наргис ёғини кўкракка суртилса, кўкрак қорин тўсиғидан қаттиқ ва совуқ шишларни тарқатади.

... Агар наргиснинг илдизини ўз ҳолича ейилса, кўнгилни айнитади ва қустиради; қайнатмаса ҳам шундай таъсир кўрсатади.

... Наргис бачадон ва қовуқдаги оғриқлар учун фойдалидир.

"Файз холдинг" компанияси, "Адолат" социал-демократик партияси туман кенгаши ва Оила маркази ҳамкорлигида ташкил этилган хайрият тадбирларида тумандаги маҳаллалар фаоллари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар бугунги кунда республикамизда олиб бoриладиган ислохотлар, уларда маҳалла фахрийларининг ўрни ҳақида гапиришди. Ҳозир мамлакатимизнинг барча гўшаларида муҳим сиёсий жараён, икки палатали сайловларга тайёргарлик кўриш

Сергели тумани Оила илмий-амалий марказида "Меҳр ва мурувват — инсон зийнати" мавзуида тадбир ўтказилди.

МЕҲР ВА МУРУВВАТ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

компанияси давом этмоқда. Тадбирда янги парламент, уларда депутатларнинг фаолияти ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, "Меҳр ва мурувват йили" давлат дастурида белгилаб берилган тадбирлар асосида "Файз холдинг" компанияси томонидан жорий йилда 150 миллион сўмдан зиёд хайрия ишлари амалга оширилганлиги таъ-

кидланди. Асосий эътибор соғлом оилани шакллантириш, айниқса, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада мураккаблаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, мактаб таълимини яхшилашга қаратилаётганлиги эътироф этилди.

Бугунги кунда "Файз холдинг" компанияси махсулот-

лари нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатларда ҳам харидоргир бўлмоқда. Республикамизга чет эл сармоясини жалб этиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш йўлида қорхона томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
"Туркистон-пресс"



Обод ва озод ўлкамизга кўз тегмасин.



Ҳамкорлик

СЕМИНАРЛАР САМАРАЛИ ҲАМДА ҲАМДА ҲАМДА

Мана бир неча кундирки, Тошкент Давлат иқтисодий университетиде «Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент» йўналиши бўйича ўқув семинари ўтказиб келинмоқда.

«Тараққиёт қадамлари» ҳокимият ходимларини ўқитиш маркази ҳамда шаҳар Иқтисодиёт бош бoшқармаси томонидан ўтказилаётган ушбу семинарда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг иқтисодий бўлимлари ходимлари иштирок этишмоқда.

Маълумки, «Тараққиёт қадамлари» ҳокимият ходимларини ўқитиш маркази шу йилнинг май ойида Евроосий жамғармасининг гранти ҳисобига ташкил этилган бўлиб, бундан асосий мақсад шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимларини «Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент» йўналиши бўйича ўқитишдир.

Семинарда марказ томонидан тақлиф этилган АҚШнинг Мичиган давлат университети профессорлари Норман Грз-

там ҳамда Шерман Гарнеттлар иштирок этмоқдалар.

— 2002 йилнинг охирида Мичиган давлат университети билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, — дейди жумладан иқтисодиёт фанлари номзоди Мўътабар Калонova. — Шу йил лoйиҳа аъзолари томонидан Урта Осиёда илк маротаба «Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент асослари» номли ўқув адабиёти тайёрланди. Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент йўналиши асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ходимларини ўқитиш дастури бўйича ўтказилган семинарларда шу кунгача 500 га яқин ҳокимлик ходимлари ўқитилди.

Семинарлар ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти билан яқиндан танишиш,

иқтисодий билимларни янада чуқурлаштириш, дунё давлатлари ҳамда республикамиздаги иқтисодий ўзгаришларни амалий таққослаш, шу соҳада иш юритувчи республикамиз кадрлари билим ва тажрибасини ошириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйишга асосий замин яратмоқда. Унда тингловчилар ушбу ўқув семинарида Тошкент шаҳарида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш, маҳаллий менежмент тизимиде кадрлар менежменти, АҚШда маҳаллий менежмент тажрибаси, маҳаллий ҳокимият ходимининг этикаси, Ўзбекистон шароитида бюджетлараро алоқаларни яхшилаш йўллари каби мавзулар асосида фикр алмашдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Ўқитувчи, муаллим, мураббий, устоз! Бу сўзлар замирида бир жаҳон теран маъно, улкан фикрлар муҳассам. Эл аро ҳурмат ва савимият билан, эъоз ва эътиқод билан, ифтихор ва мамнуният билан тилга олинади бу ном, бу сўзлар.

Ўқитувчи — муаллимни ҳаёт бўстониинг боғбони, умр қарвонининг сарбони, насллар йўлининг чароғбони деб айтадилар.

Халқнинг сидқидилдан қиладиган эҳтиромига ҳар бир ўқитувчи ҳам ўз-ўзидан мушарраф бўлавермайди, албатта. Мураббийлик йўлига кирган кишида аввало, шу касбга иштиёқ, рағбат ва муҳаббат бўлиши, булар чинакам истеъдод билан қўшилиши керак. Ўқитувчи ёш авлоднинг билими ва тарбияси учун, унинг келажига учун жавобгар эканлигини чуқур ҳис этиши, ўзининг бутун ақли-қаволатини, билими ва иқтидорини, юрак кўри ва умр-ҳаётини шогирдларига, халққа бағишламоғи лoзим. Ҳақиқий ўқитувчи ўз билимдонлиги ва маҳорати билан ҳам, буткул идрокки, ҳис-туйғуси, руҳий дунёси билан ҳам, муомала, муносабати ва маданияти билан ҳам тарбия беради, болалар ва ёшларни эзгуликка, ҳақиқатга ўргатади, ёш қалбларда закий туйғулар уйғотади. Бундай фазилатларга эга бўлиш учун ўқитувчи ўз касбига, ўз хизмат жойига меҳр қўйиши, шогирдларига нисба-

тан меҳрибон бўлиши гоётада муҳим. Шундагина у вазифасини юракдан, илҳом билан адо этади, ишда ижодкорлик ва ташаббус ҳамма вақт унга ёр бўлади. Акс ҳолда илҳом ва ташаббус ўрнини расмиётчилик,

лаяпти. Китобдан четга чиқмайди, ўзидан сўз қўшмайди. Табиийки, бундай дарс ўқувчиларнинг туйғуларига ижобий таъсир кўрсатишга, уларда мусикага қизиқиш уйғотишга, мусика асарини идрок эта билиш

Муҳожаза

МАКТАБ ВА МУАЛЛИМ

Ўқитувчи, унинг кўп қиррали ва мураккаб фаолияти, устоз ва шогирдлар муносабати, мураббийнинг маънавий олами ҳақида, ўқитувчи ва мактаблар олдиде турган муаммолар ҳусусида дилда йиғилиб юрган гаплар кўп. Буларни ўртага солгинг, фикрлашинг, баҳс-лашинг келади.

юзакки муносабат ва лоқайдлик эгаллайди. Афсус, кўп сонли муаллимларимизнинг айримлари ана шундай лоқайдлик касалигига ўраганлар. Бундайлар ўз билим ва малакаларини тақомиллаштириб, сиёсий ва педагогик савияларини ошириб бoришга интилмайдилар. На-тижада, илмий тафаккурдан, даврнинг тўхтовсиз оқимидан орта қоладилар.

Мен бир мусика ўқитувчисини биламан. Эҳтимолки, у бир вақтлар мусикага ҳавас қўйгандир. Аммо бу ҳавас муҳаббатга айлана олмаган. Мана, ўша ўқитувчининг дарсидамиз. Мавзу — муҳим бир мусикий асар таҳлили устида. Ўқитувчи дарслиқда нима ёзилган бўлса шунки, ҳатто чала-чулпа тақро-

қобилиятини тарбиялашга хизмат қилмайди.

Мусика маданиятидан дарс ўтишини осон деб ўйлаб, шу фандан зўраки «мутахассис» бўлиб қолган кишилар ҳам бор. Бундайларнинг саводхонлик даражаси ҳам унчалик эмас. Ўқитувчилар орасида жон қўйдириб, маъсулятини ҳис этиб, ташаббус кўрсатиб ишлаш ўқда турсин, бевосита ўз вазифасини бажармайдиган, ё пайсалга соладиган, муҳим бир тадбир ўтказилганда ўзини четга оладиган, берилган топшириқни шунчаки, шу ташвишдан кутулиб қўйиш учунгина адо этадиган одамлар ҳам учраб туради. Ўқитувчидаги бундай ҳафсаласизлик болаларнинг гоёвий ва маънавий, ахлоқий

тарбиясига салбий таъсир этмай қолмайди. Ўқитувчи ўз касбининг ҳар томонлама кадрлаши ва улуглаши, ўзининг туриштирумуши, хатти-ҳаракати, маънавий дунёси, бутун онгли ҳаёти билан шогирдларига намуна бўлиши, улар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолларга йўл қўймаглиги лoзим. Ўқитувчининг шахси ҳар томонлама ибратомуз, одоби ва назокати педагогикка хос бўлиши керак-ку! Муаллимнинг характер-хислати ёшлар тарбиясида жуда муҳим роль ўйнашини сира унутиб бўлмайди.

Шу боис истеъдодли, ўз касбига содиқ, таълим жараёнига катта ҳисса қўшган ўқитувчи, биринчи навбатда рағбатлантирилиши керак. Ўқитувчи қачонки, яхши таъминланган бўлса, ўз устида ишлашга вақт топа олади.

Муаллимларимиз меҳнати, хизматига қараб ўз вақтида рағбатлантирилиши Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуимийлиги дастури тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилган, Президентимизнинг мазкур Фармони истеъдодли, ўз касбига содиқ ўқитувчиларга кўрсатилаётган муҳим эътибор, ғамхўрлик, меҳр-мурувват ифодаси эканлиги билан барчамизни қувонтирди.

Нодира ЙЎЛДОШЕВА,
«Йил ўқитувчиси — 2004» кўрик-танловининг
ғолиби.

Спорт

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШИШДИ

Шаҳримиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби рингида болалар ўртасида республика миқёсида «Ёшлик» жамияти биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.


Турнирда 1987-1989 йилларда туғилган, Республика миқёсининг ўн та вилоятдан келган юзга яқин ёш чарм қўлқоп усталари галаба учун кураш олиб бориши.

Биринчилик баҳсларида ҳамшаҳарларимиз ҳам муваффақиятли қатнашишди. Жумладан, 51 килограммгача бўлган вазнда республика Олимпия заҳиралари коллежи вакиллари Александр Ҳамидов ва Рустам Шомуродовлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишган бўлса, 54 килограммгача вазнда пойтахтдаги 8-бокс мактаби вакили Камол Илҳомовга тенг келадиغانлар топилмади. Бундан ташқари республика Олимпия заҳиралари коллежининг яна икки тарбияланувчиси — 57 килограммгача боксчилар ўртасида Рустам Раҳимов, 60 килограммгача ёш боксчилар баҳсида эса Лазиз Юсуповлар ҳам биринчилик голиблари сифатида бош мукофотлар билан тақдирландилар.

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАШДИ

Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида эса бокс бўйича Серикбой Тулейбоев хотирасига бағишланган халқаро турнир баҳслари ўз ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва қирғизистонлик 15-16 ёшли икки юзга яқин боксчилар ўзаро куч синашди.

Иқтидорли мураббий Ҳасан Мухамедовнинг шогирдлари бўлмиш мамлакатимизнинг ёш чарм қўлқоп усталари йирик халқаро турнирда муносиб иштирок этишиб, иккита кумуш нишонларнинг соҳиблари бўлишди. Жумладан, 80 килограммгача вазнда пойтахт вилоятилик Фарҳод Мансуров фақат финал баҳсидагина рақибига ўйинни бой бериб, иккинчи ўрин билан кифояланган бўлса, республика Олимпия заҳиралари коллежи вакили Умид Тожиев ҳам иккинчи ўринни эгаллади. (Ўз муҳбиримиз)



Қўрғазманлар

ҚАДИМИЙ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон амалий санъат музейида риштонлик ёш кулол Азизжон Абдурахимов томонидан яратилган ҳар хил миллий ўйинчоқ хайкалчалар кўرғазмаси очилди. Бу кўрғазмани ташкил қилишда Фурумсарой кулоллик санъати анъаналарини давом эттираётган марҳум М.Туробовнинг шогирди Ваҳобжон Бувоевнинг ҳиссаси каттадир.

Ўзбекистон амалий санъатининг қадимий турларидан бири бадий кулолчилик ҳисобланади. Юртимизда қадимдан ҳар воҳанинг хунармандчилик марказлари вужудга келиб шаклланган. Бу марказларда халқ эҳтиёжи учун энг керакли сопол буюмлар ишлаб чиқарилган.

Риштонлик ёш, истеъдодли ижодкорлардан бири Азизжон Абдурахимов томонидан яратилган ўйинчоқ шаклидаги ноёб хайкалчалар хайвонлар ва антропоморф мавзуларида ишланган. Унинг ишларида анъанавийлик тўла сақланган, лекин ўзига хос шахсий маҳорат ҳам сезиларлидир. Бу ўзига хослик ўйинчоқларга бериладиган рангларда, композицион-пластик

ечимнинг мукамаллигида ҳамда ўлчамларнинг барқарорлигида намоён бўлади.

Оддий лойдан — замин жисмидан яратилган бу санъат асарларини кўриб, инсон маънавий завқ олади ва ҳар бир хонадонда бу асарлардан бири бўлиши кишига яхши кайфият бағишлайди.

— Иш услубимни ривожлантиришда, малакамни оширишда менга устозлик қилган Ўзбекистон халқ устаси Набижон Қодировга катта миннатдорчилик билдирман, — дейди Азизжон Абдурахимов.

Раҳматхон АКМАЛОВ СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан ўрин олган экспонатлар.

Муаллиф олган суратлар



БИР КУЛИШАЙЛИК

Ёмғирли кунларнинг бирида Жонатан Свифт хизматкори билан отлик сафарга чиқди. Кечкурун улар меҳмонхонага тушдилар. Ухлаш олдидан Свифт ботинкаларини тозалаб қўйишни хизматкорга тайинлади.

Дангаса хизматкор хўжайиннинг айтганини бажармади.

Эрталаб кир ботинкаларини кўрган Свифт хизматкоридан сўради:

— Нега ботинкаларни тозалаб қўймадинг?

— Йўллар лой, — деди хизматкор, — хозир ботинкаларингизни тозалашдан нима фойда? Улар барибир яна ифлос бўлади.

Свифт ҳеч нарса демади. Бироздан сўнг хизматкорига буюрди:

— Дарров тайёр бўл! Йўлга тушамиз!

— Хали нонушта қилмадим-ку? — деди хизматкори аччиқланиб.

— Хозир овқатланшдан нима фойда? — деди Свифт. — Барибир яна очкайсан.

— Ижодий ишингизга оила аъзоларингизнинг ёрдами тегадими? — деб сўрашди журналистлар машҳур ихтирочи Эдисондан.

— Албатта! — деди Эдисон. — Масалан, айтилик, миямга ажойиб бир фикр келиб қолди. Шунда мен ўзимча қилдан қийқ ахтара бошлаймаман. Жаҳлим чиқиб, эшикни тараклатиб ёпманда, хонамда ўтиролиб, ишлайверман. Уйдагилар жаҳлими чиқармаслик учун кўрқиб-қалтираб, оёқ учиде юришади. Ана шу фурсатдан унумли фойдаланиб, ўз кашфиётларимни қиламан.

Адабиёт ва санъат намояндаларининг хомийси ҳисобланган бир давлатманд киши-никида бўлаётган кечода Флорбердан сўраб қолишди:

— Ҳар бир жумла устиде қанча вақтгача бош қотириб ишлаш лозим?

— Хотинингиз то овқатга чақирмагунча, — деб жавоб берди ёзувчи.

Бир куни Пабло Пикассо бир кишининг портретини чизиб бўлгач, унга деди:

— Мана, расмингиз ҳам тайёр. Энди ўзингиз унга ўхшашга ҳаракат қилинг!

Эмил Золянинг мухлисларидан бири от-чопарга пойгага кетаётди:

— Гаровда ютиш унун қандай отга пул тикса бўлади? — деб сўради машҳур ёзувчидан.

— Қайси от биринчи бўлиб келса, ўшанга тикиш керак, — деб маслаҳат берди ёзувчи.

Кураш

МАРДЛАР МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

Халқимиз бой тарихий миллий урф-одатларга эга. Айниқса, бирор хонадонда фарзанд дунёга келса, аввало, «полвон бўлсин», «элнинг дуосини олсин», дея дуо қилинади. Қадриятлари мангу, эли донишманд, иймони собит халқнинг кўлидан келади бундайин жумардлик.

Полвонлар, кураги ер кўрмаган алплар ҳақида гап кетганида азал-азалдан буюк инсонларнинг вояга етишига бешик бўлган — Шаҳри Кеш (Шаҳрисабз) ҳақида фахр билан гапириш мумкин. Айнан ана шу азиз масканда Соҳибқирон Амир Темури ҳазратларининг дунёга келганлигини ҳам инobatга оладиган бўлса туронзамин халқлари яшаб келган этнохудуд узок тарихий тамаддунга эга эканлиги ойдинлашади.

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 28-31 октябр кунлари Шаҳрисабзда Президент соҳирини учун кураш бўйича Амир Темури халқаро хотира турнири ҳамда Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилади.

Ўтаётган йилнинг йирик тарихий воқеалари сифатида эътироф этилаётган бу улкан спорт мусобақаларига дунёнинг элликдан ортиқ давлатларидан спортчилар ташриф буюриши кутилмоқда. Улар орасида бразилиялик машҳур кураш устаси Карлос Ханорато сингари тажрибали полвонлар ҳам борлиги фикримиз исботидир.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, голиблик шохсупасига чиққан курашчи Президентимиз соҳирини қўлга киритади. Кези келганда шуни айтиш мумкинки, Президент соҳирини учун Амир Темури халқаро хотира турнири илк мартаба бизнинг юртимизда ўтказилишида ҳам ўзига хослик бор. Негаки, қадимий илдиларга эга ўзбек курашининг кўп асрлик довуғини дунёга таратиш айнан мустақиллик йилларига келиб амалга ошиши тарихий эврилишининг бир бўлаги эди.

26 октябрда меҳмонлар шаҳримизда тантанали равишда кутиб олинади. Улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини эгаллаб қилишади. Сўнгра эса Самарқанд шаҳрида ҳам бўлишиб, Шарқнинг сайқали дея эътироф этилган қадимий шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари, истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотлар билан яқиндан танишишади.

Матбуот анжумани қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Хидирали ПАНЖИЕВ



— Сувга тушса курук чиқадиган одам. Абдурашул Ҳакимов чизган расмлар.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эъдонлар: 133-28-95, 136-57-65;

факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқоб объект узунлида босилади. 2680 нусхада босилади. Қўғат бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Намр кўрсаткичи — 563

Нашир этиш бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ширкатидаги компанияга босмоқдонсоқ. Корхона манзил: «Буюк Турун» кўчаси, 41-уй.